


**“Бухорони туризм чоррахасига айлантириш  
имкониятлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий  
конференция**

*International Scientific and Practical  
conference on “Opportunities to turn Bukhara into a tourist  
crossroads”*

**Международная научно-практическая  
конференция на тему “Возможности превратить  
Бухару в туристический перекресток”**

**МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ  
CONFERENCE PROCEEDINGS  
СБОРНИК СТАТЕЙ**



**“Бухорони туризм чоррахасига айлантириш имкониятлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 2019 йил 29 май.**  
**-Бухоро: 2019. (2-қисм)**

Мазкур тўпламда 2019 йил 29 май куни Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи ҳамда Бухоро давлат университети Туризм кафедраси билан ҳамкорликда ўтказилган “Бухорони туризм чоррахасига айлантириш имкониятлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг мақолалари акс эттирилган.

Анжуман тўпламидан Олий ва касб-ҳунар таълими, умумтаълим мактаб ўқитувчилари, катта илмий ходим, мустақил тадқиқотчи ва изланувчилар, магистр ва бакалавр талабалари, ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими ўқувчилари фойдаланишлари мумкин.

**Масъул мұхаррирлар:**

**Б.С.Исомов – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи, и.ф.н., доцент**

**С.С.Рўзиев – Бухоро давлат университети, и.ф.н., доцент**

**С.У.Тожиева – Бухоро давлат университети Туризм кафедраси мудири, и.ф.н., доцент**

**Ташкилий қўмита:**

1. Б.Н. Наврўз-зода – БухДУ Туризм кафедраси профессори, и.ф.д.
2. А.Т. Жўраев – БухДУ Туризм факултети декани, и.ф.н., доцент.
3. Ҳ.Р.Ҳамроев – БухДУ Туризм кафедраси, и.ф.н., доцент.
4. Д.Ш.Явмутов – БухДУ , и.ф.н., доцент.
5. М.М.Таирова – БухДУ Иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.н.
6. М.Ҳ.Қиличов – БухДУ Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи
7. О.К.Хуррамов – БухДУ Туризм кафедраси катта ўқитувчиси
8. Э.А.Фарманов – БухДУ Туризм кафедраси ўқитувчиси
9. М.М.Аслонов – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи директор ўринбосари
- 10 Қ.Х.Бобомуродов – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи директор ўринбосари
- .

**Мазкур тўпламга киритилган мақолаларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар, саналарнинг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг шахсан ўзлари масъулодир.**

3.Кроме этого, в городе Бухаре были кладбища, имеющие особенности лечения со стороны населения. К ним можно отнести кладбища Хаузи Лесак, Ходжа Тоббанд, Чашмаи Айюб алайхи-салом, Имам Мухаммад Газоли, Эти кладбища, которые были известны как исцеляющие особенности, можно сказать, являются архаическими кладбищами. В квартале “Хаузи Лесак” использовали камень “санги лесак”, который лечит заикающихся. Лечащими кладбищами считались: в квартале Нурабодот каклюша, в квартале Ходжа Таббанд-от малярии, на кладбище Имом Мухаммад Газоли- от головной боли<sup>37</sup>.

4. Как пишет И.Т.Пославский, в домах находились мавзолеи, которые состояли из могил

5. Имеются кладбища, которые имеют символические могилы: Имом Мухаммад Газоли, Чашмаи Айюб алайхи-салом, Махдуми Аъзам, Ходжа Булгор. Делая выводы можно сказать, что проводя исследование кладбищ при исследовании топографии города Бухары, проходит задачу ориентации. Причиной этого являются то, что в процессе формирования города Бухары ,при увеличении населения города раширения города кладбища прошли кольцевую задачу. Сначала, кладбища, расположенные на пути городских ворот со строительством арка, шахристана и рабада города проходили задачу прочного кольца городов. Исследование кладбищ при исследовании топографии города и исторического облика считается важным источником.

#### Список литературы

1. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий Тарихи Муллозода.-Т.:Янги аср авлоди. 2009.стр.5.
2. Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар Наршахий Бухоро тарихи.Т.1993.стр.22..
3. Л.И.Ремпел Далёкое и близкое.Т.:Гафур Гулям.1982.стр.106-107.
- 4.О.А.Сухарева К истории городов Бухарского ханства. «Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Нашриёти».Тошкент.1958.-43

НАСРИДДИН АФАНДИ СИЙМОСИННИГ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ АҲАМИЯТИ  
Г.С.Хожиева, БухДУ ўқитувчиси, М.Эсанова, БухДУ талабаси.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек халқининг ўлмас сиймоси, латифа жанрининг асосчиси, сўз устаси Хўжа Насриддин Афанди латифалари ва уларнинг француз тилига таржимаси хусусида фикр юритилган.

Ўзбек халқи азал-азалдан ўзининг ватанпарварлиги, инсонпарварлиги, меҳмондўст, донишманд, соддадил ва меҳр-оқибатлилиги билан бутун дунёда ном қозонган. Халқимизнинг бундай заковатли бўлишида шубҳасиз, унинг ўтмиш аждодлар ва улар қолдирган ўлмас анъаналар, бой маънавий-маданий меросга чукур хурмат билан ёндашуви сабабдир. Биз тилга олмоқчи бўлган ўзбек халқи учун миллий қаҳрамон даражасида эъзозланадиган, унинг ақлу-заковатини тараннум этувчи “Бир куни Афанди...” деб бошланадиган у ҳақдаги ҳикоялар мана 8 асрdirки, тилдан-тилга ўтиб юрган ўлмас сиймо — Хўжа Насриддин Афандидир. Баъзи манбаларда бадиий тўқима сифатида тилга олинадиган ушбу қаҳрамоннинг асл номи хусусида ҳам турли баҳслар мавжуд бўлиб, уларга кўра Афандининг асл номи “Хожа Носуриддин” бўлган, “Афанди” эса унга халқ томонидан берилган бир мақомдир. Бугунги кунда халқ орасида уни “Афанди”, “Хўжа Насриддин”, “Мулла Насриддин”, “Шайх Насриддин”, “Насриддин Афанди”, “Насриддин Хўжа” ва “Хўжа Насриддин Афанди” сингари номлар билан тилга олинади. Хўжа Насриддин Афандининг туғилган жойи ва вақти борасида ҳам турли таҳминлар мавжуд. Шунингдек, олимлар унинг ҳаётий шахс ёки бутунлай тўқима образ экани ҳақида ҳам бир тўхтамга келишмаган.

Шу кунгача тўпланган баъзи ишончли маълумотларга қараганда, Хўжа Насриддин 1208-1284 йилларда яшаган ва умрини Марказий Онадўлидаги Оқшаҳар кентида ўтказган тарихий шахсадир. Ҳақиқатан ҳам тарихий шахс бўлган бу одам кейинроқ халқ томонидан анча

<sup>37</sup> О.А.Сухарева Бухара XIX–начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). «Наука».Москва.1966.-75

тўлдирилган латифаларда комил зако соҳибига айлантирилган эди. У яшаган даврдан кейин ўтган асрлар давомида халқ томонидан яратилган Хўжа Насриддиннинг ижтимоий шахсияти билан XIII асрда яшаган Хўжа Насриддин ўртасида ўхшашлик, яқинлик бўлмагандар эди, барча латифалар унинг номидан гапирилмасди. Хўжа Насриддин айрим халқлар яратган латифаларнинг афсонавий қаҳрамонлари сингари тамомила халқ ижодининг маҳсули бўлган хаёлий шахс эмас. Чунки у дунёда яшаб ўтганини тасдиқлайдиган далиллар оз бўлса ҳам мавжуд. Ана шу далилларга кўра, Хўжа Насриддин тарихий шахс, кейинчалик у халқ орасидаги кенг тарқалган Хўжа Насриддин, Мулла Насриддин, Насриддин Афанди номлари билан аталган афсонавий халқ қаҳрамони ҳақидаги латифаларнинг мояси, хамиртуришидир. Хўжа Насриддин Салжукийлар давлатига Алауддин Қайкубод I (1219-1236), Фиёсиддин Кайхисров II (1236- 1246) ва Алауддин II (1249-1257) сингари ҳукмдорлар бошчилик қилган даврда яшади. Умрининг асосий кисми эса мамлакатнинг энг ғала-ғовур, энг ҳаяжонли йилларига тўғри келди. Бу ҳукмдорлар ҳокимият тепасида турган даврлар орасида ҳам анчагина фарқ бор эди. Бу эса Хўжа Насриддин ҳаётига, унинг дунёқарашига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Хўжа Насриддин Салжукийларнинг маданий ва сиёсий юксалиш даврида туғилган, болалиги ва ёшлигини халқнинг нисбати масъуд даврида ўтказганди. Чунки у мўғуллар Шарқдан зулм ва фалокат сели каби оқиб келиб ҳаммаёқни хонавайрон қилган пайтда яшаганди. Мўғул истилоси натижасида иқтисодий жиҳатдан камбағаллашган, ижтимоий жиҳатдан чўйкан, сиёсий тазииклар натижасида ҳар томонлама чириган бир муҳитда мўғуллар томонидан мағлуб қилинган халқнинг амалга ошириб бўлмайдиган азалий орзуларини ҳажв йўли билан ифодаланган ва шу тариқа халқнинг бундай оғир шароитда яшай олишини, юрагини бўшатиб, овунишини таъмин этган Хўжа Насриддин тарихий бир шахс ҳамда рамзий бир образ эди. Унинг латифаларининг кўпи айнан аччик-аччик қулдириб, кишини ўйлашга мажбур қилган ҳажвиянинг энг гўзал намуналаридир. [1.]

Бу далилларни тадқиқотчи Фарида Йўлдошева шундай хуносалайди: “Тарихда Хўжа Насриддин исмли шахслар, Насриддин Афанди прототипларининг бир қанчаси ўтган бўлиши мумкин... Мана шу тарихий шахсларни халқ қаҳрамони Хўжа Насриддинга ҳаёт бағишилаган прототиплар десак бўладими. Аксинча, халқ қаҳрамони Насриддин тарихий шахсларга шухрат келтирди”. [2.]

Таъкидлаш жоизки, шахс сифатида Хўжа Насриддиннинг илмий ва дунёвий билимлардан хабардор, комил инсон бўлганлиги ҳам манбаларда қайд этилган. Зеро Афандининг халқ қалбидан ўрин эгаллаб, бугунги кунгача етиб келишида шубҳасиз, унинг ана шу акл-заковати сабаб десак, муболаға бўлмас. Шу билан бирга “Афанди латифалари”да келтириладиган ҳар бир ҳажвияда унинг ўткир юмористлиги, ақлли, айёр, топқир, улдабурон ва ҳозиржавоблиги акс этиб туради.

Маълумки, “латифа” сўзи арабча “лутф” сўзидан олинган бўлиб, назокат, нозиклик, нозик фикрлаш, оқилона сўз, яхшилик қилмоқ, муруват кўрсатмоқ, шарафламоқ маъноларини англатиб, жанр сифатида кулгили воеа-ходиса ҳақидаги кичик ҳикоя [3.] демакдир. “Афанди латифалари” — бу халқ томонидан оғзаки ва ёзма адабиёт орқали Хўжа Насриддин билан рўй берган ва у устамонлик билан ҳал этган ҳангомаларнинг жамланмаси бўлиб, балки шу сабаб, ҳар бир латифа замирида ўзбекона заковат, ҳозиржавоблик ва тадбиркорлик билан бирга, муҳтоҷларни кўллаб-қувватлаш, етимнинг бошини силаш, илму-маърифатга ундаш каби эзгу фазилатлар ётади. Ушбу латифалар одамни қотиб-қотиб кулишга, сўнг эса маъносини чақишга мажбур қиладиган ҳажман кичик, аммо мазмуни уммон қадар теран асарлар бўлиб, ҳажвия санъатининг ёрқин намунаси сифатида қадрлидир.

Ўзбек олимлари томонидан афанди ҳаёти ва латифалари тадқики XIX асрнинг охири XX аср бошлари билан белгиланади. Ўзбек фольклоршунослиги асосчиси, профессор Ҳоди Зарифов қайд қилишига биноан, Насриддин Афанди номининг ўзбек латифаларида шухрат топиши юртимизда матбаанинг пайдо бўлиши, Насриддин Афанди латифаларининг ўтган аср бошларида китоб тарзида нашр этилишидан бошланган. Кейинчалик Шариф Ризо, Собир Абдулла, Аҳмад Раҳмат, Ҳошимжон Раззоқов, Баҳодир Саримсоқов, Фарида Йўлдошева каби зиёли, адиб, олимлар ташаббуси билан афанди латифалари бир неча марта нашр эттирилди,

илмий тадқиқотлар олиб борилди. Айниқса, Фарида Йўлдошева қаламига мансуб “Ўзбек латифаларида Насриддин Афанди образи” рисоласи бу жанр тарихи, матн таҳлили, образ яратиш маҳоратини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. [3.] Ўзбек халқи маданий меросининг қимматли манбаси хисобланган латифалар турли хорижий тиллар, жумладан, француз немис, инглиз тилларига таржима қилинган бўлиб, улар халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда десак муболаға бўлмайди. Қуйида Насриддин Афанди латифаларининг французча ва ўзбекча варианtlари берилди:

Мисол-1.

Француз тилида:

Un jour, le voisin de Nasriddin Hodja lui demanda de lui préter son âne. Nasriddin répondit que la bête n’était pas parce qu’il l’avait déjà prêtée à quelqu’un d’autre, mais à cet instant précis on entendit l’âne braire dans l’écurie.

Tu te moques de moi, dit le voisin, ton âne est là: je l’entends!

Très cher voisin, tu me déçois... tu crois que la parole de mon âne plus que la mienne ?

Ўзбек тилида:

Бир куни Хўжа Насриддиннинг қўшниси ундан эшшагини бериб туришини сўрабди. Аммо Афанди эшшагини аллақачон бошқа бировга бериб юборганини айтгани ҳамоноқ эшшакнинг ҳанграган овози эшитилибди.

Устимдан куляпсизми Афанди, дебди қўшниси, ахир ҳовлингиздан эшагингизнинг овози келяптику?

Кўшнижон, ҳаафсаламни пир қиляпсиз...

Сиз мендан кўра кўпроқ эшшагимнинг гапига ишонасизми?- дебди, хозиржавоб Афанди.

Мисол-2.

Француз тилида:

Un jour la belle-mère de Nasreddin, enfant, avait cuisiné des poissons petits et gros. Elle dit au père de Nasreddin:

- Mettons sur la table les petits poissons, cachons les gros poissons sous le pétrin; nous mangerons ceux-ci quand nous aurons envoyé promener Nasreddin.

Ainsi fit-elle. Mais Nasreddin qui guettait derrière la porte entrebâillée, et qui avait entendu ces propos, entra aussitôt. Il prit dans la main un des petits poissons, et le porta à son oreille. Son père lui demanda:

Hé! Mon fils, que fais-tu là?

Nasreddin répondit:

J’ai demandé à ce petit poisson: Comment était le poisson qui a avalé le Prophète Jonas (le salut soit à Lui)? Et ce petit poisson me répondit: Par Dieu, je ne le sais pas. Sous le pétrin il y en a de plus grands que moi; va le leur demander.

Ўзбек тилида:

Кунлардан бир кун ёш Насриддиннинг ўгай онаси катта ва кичик балиқлардан таом тайёрлабди. У Насриддиннинг отасига шундай дебди:

Дастурхонга кичик балиқларни қўямиз, катталарини эса хамиртоғора остига яширамиз; ўғлингизни қўчага ўйнагани юборамиз-да, кейин уларни паққос тушурамиз.

Сўнгра шундай қилибди. Аммо қия очилган эшик ортидан уларнинг сухбатини кузатиб турган Насриддин мақсадларини тушунибди ва шу заҳотиёқ кириб келибди. У қўлига кичкина балиқлардан бирини олиб, қулоғига элтганда отаси ундан сўрабди:

Хой! Ўғлим, у ерда нима қиляпсан?

Насриддин жавоб қайтарибди:

Мен бу кичик балиқдан “Юнус пайғамбарни ютган балиқ қайси?”-деб сўрадим. Ва уменга “Худо ҳаққи, мен буни билмайман. Хамиртоғора остида мендан катталар бор, буни бориб ўшалардан сўра”-деб, жавоб берди.

Кўринадики, Насриддин Афанди бир вақтнинг ўзида ... соддадил ва айёр, билимли ва оми, дилкаш ва қаҳри қаттиқ, телба ва донишманд инсон сифатида гавдаланиб, ўзининг, бизнинг ва бутун дунёнинг устидан кулишимизга мажбур қилиб, бизга ҳаётни ўргатади.[4.]

Мамлакатимизда Насриддин Афанди номини абадийлаштириш мақсадида у ҳақида “Насриддиннинг ёшлиги” драмаси, “Насриддин Хўжандда”, “Насриддин Бухорода”, “Хўжа Насриддин саргузаштлари”, “Насриддиннинг 12 қабри”, “Афандининг 5 хотини” фильмлари, “Хўжа Насриддин” опереттаси, “Насриддин афанди” мусиқали комедияси, шунингдек, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари яратилган. Бухоро ва Тошкент шаҳарларида Насриддин Афандига ҳайкал ўрнатилган. [5.]

Халқимиз ўзи суйган қаҳрамонларни доим эъзозлаб келган. Шундай қаҳрамонлардан бири бўлган “Хўжа Насриддин Афанди” ва “Афанди латифалари” яна кўп асрлар ўзбек оғзаки адабиётининг ажралмас қисми сифатида авлодлардан-авлодларга сайқалланиб ўтиб боргусидир.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

<http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon>

Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилд. Тошкент, 2010. 488-б.

<http://turizm.kasaba.uz>. Латифа ва лофлар.

<https://www.notesdumontroyal.com>

<https://afandi> haqida so'z

## EKOTURIZM FANINI O'QITISHDA INTERFAOL USULLARNING O'RNI

Doniyorov Boymurod Normurotovich; Doniyorov Negmurod Normurodovich

Buxoro davlat universiteti

Annotatsiya:

Ushbu maqolada ekoturizm fanini o'qitishda interfaol usullarning o'rni yoritilgan.

Hozirgi kunda sayyoramizdagи tabiiy muvozanatning o'zgarishi va turli xarakterdagи bioshikastlanishlarning kelib chiqishi buyuk muammodir. Demografik o'sish bilan bog'liq ehtiyojlarni qondirish yo'lida sanoatning rivojlanishi, tabiiy yerusti va yerosti boyliklaridan nooqilona foydalanish atrof-muhitga katta zarar etkazmoqda. Aynan shu tufayli tabiatni muhofaza qilish masalasi, undan unumli va oqilona foydalanish, tabiiy-ekologik qonuniyatlarga asoslanib ish yuritish kishilik jamiyatining asosiy vazifalaridan biridir. Ekoturizm fani esa bu vazifani bajarishda asosiy rol o'ynaydi. Sanoat va transportning, energetikaning rivojlanishi, qishloq xo'jaligini sanoat asosiga o'tkazish va kimyolashtirish atrof muhitni yangi, ilgari noma'lum bo'lgan birikmalar bilan ifloslanishiga olib keladi. Bularning hammasi inson yashash muhiti bilan vujudga kelgan ekologik aloqaning yemirilish xavfini kuchaytiradi. Hozirgi kunda insonning xo'jalik faoliyati tufayli yer shari resurslarining tabiiy halati tez o'zgarib, atrof-muhit ifloslanib bormoqda. Bu hol Yer shari tabiatni va tabiiy resurislarning qashshoqlashib borishiga sabab bo'lmoqda. Shu sababli har bir o'quvchi-yosh mavjud ekologik muammolarni o'z vaqtida ijobiyl hal qilish uchun ekologik ma'lumotga ega bo`lishda, tabiat qonunlaridan xabardor bo`lishda, tabiat bilan jamiyat o`rtasidagi uzviy bog`liqlikning tub mohiyatlarini anglab yetishda zamonaviy interfaol usullarga ehtiyoj sezadi. Interfaol ta'limda noan'anaviy o'qitish usullarining muhim komponentlaridan biri o'qituvchi ma'ruzachi, o'quvchilar tinglovchi emas, balki ular ko'p pozitsiyali komp'yuter, audio-video texnik vositalar, tabiiy va sun`iy ko`rgazmalar hamda amaliy xarakterdagи ko`rgazmali materiallardan foydalana oladigan asosiy ishtirokchiga aylanmog'i lozim. Ijtimoiy hayotda ehtiyojlarning yuksalishi borliqda kashfiyotlarning ko'payishiga olib keladi. Bu holatda o'quvchi-yoshlar tabiatni va fan

Камалава Нозима Улугбек қизи талаба NEMIS TILI DARSLARIDA MUAMMOLI O'QITISH METODI Babayeva Vasila Tashpulatovna. BuxDU katta o'qituvchisi	239
YOSH AVLODNI JISMONIY BARKAMOL SHAXS QILIB TARBIYALASHDA AMIR TEMUR PEDAGOGIK QARASHLARINING AHAMIYATI. Nurullayev F.L. , BuxDU o'qituvchisi.	242
ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА КИТОБХОНЛИК ВОСИТАСИДА ЁШЛАР МАЛНВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Нуруллоев Лазиз Латипович. Бухоро давлат университети ҳарбий факультет ўқитувчиси	244
РОЛЬ МАСТЕРОВ ПРИКЛАДНОГО ИСКУССТВА В РАЗВИТИИ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ЗОНЫ А.С.МУСИНОВА. Бухарский государственный университет	245
ТАОМ ИШТИЁҚМАНДЛАРИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ Мирзаева Мухайё БухДУ ўқитувчиси, Ражабова Дилноза, талаба	246
МИЛЛИЙ МЕРОС МАЗМУНИДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ТАРАҚҚИЁТИ (Бухороча софи ош мисолида) Кобилова Феруза Толибовна ФЧТ кафедраси ўқитувчиси Нажмиддинов С.Н БДУ Туризм факультети талабаси	248
БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТАРИХИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ МАВҶЕИ Бабаева В.Т. БухДУ катта ўқитувчиси. Сиддикова Ш.талаба	251
В КАЧЕСТВЕ ОРИЕНТАЦИИ, ОПРЕДЕЛЯЮЩАЯ ТОПОГРАФИЮ ГОРОДА БУХАРЫ СВЯЩЕННЫЕ СВЯТЫЕ МЕСТА Жураева Нафиса Олимовна. Бухарский Государственный Университет	253
НАСРИДДИН АФАНДИ СИЙМОСИННИНГ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ АҲАМИЯТИ Г.С.Ҳожиева, БухДУ ўқитувчиси, М.Эсанова, БухДУ талабаси.	256
EKOTURIZM FANINI O'QITISHDA INTERFAOL USULLARNING O'RNI Doniyorov Boymurod Normurotovich; Doniyorov Negmurod Normurodovich Buxoro davlat universiteti	259
IMPACT OF STATISTICS ON TOURISM DEVELOPMENT IN THE COUNTRY Djafarova Nigina Alisherovna. Buxoro Davlat Universiteti "Turizm" kafedrasи o'qituvchisi	260
ISLOM MADANIYATI MARKAZI – BUXORO TURISTLAR E'TIBORIDA Tilavova Mahliyo Mahmudovna BuxDU, Fakultetlararo chet tillar kafedrasи o'qituvchisi; Yarashova Dilshoda BuxDU, geografiya yo'nalishi 2-bosqich talabasi.	262
THE ROLE OF INNOVATIONS IN TOURISM AND HOSPITALITY INDUSTRY Davronov Istamkuja Olimovich. Bukhara State University	264
WORTSCHATZVERMITTLUNG IM DAF-UNTERRICHT UNTER BERÜCKSICHTIGUNG DER INTERAKTIVEN METHODEN (FÜR DEUTSCH ALS NEBENFACH) Abdullahayeva L. S. BSU Lehrerin Nusratova S.N. BSU Studentin	265
BUXORO HUNARMANDCHILIGI DUNYO NIGOHIDA Norova Fazilat Fayzullayevna. 998936236022. Buxoro davlat universiteti Fizika Matematika kafedrasи o'qituvchisi	268
BO'LAJAK KASB TA'LIMI O'QITUVCHILARNING KASBIY MOBIL KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISHNING AXBOROT METODIK TA'MINOTINI TAKOMILLASHTIRISHDA MADANIY ME`ROSIMIZNING ROLI	270